# ИСТИҚЛОЛ ЯРАТГАН МЎЪЖИЗА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Асака шаҳрида йилига 40 минг дона трактор ва 10 минг дона прицеп тайёрлайдиган завод бор эди. Бироқ ушбу корхона бутловчи қисмлар йўқлиги боис тақа-тақ тўхтаб қолганди. Ўзбекистон автомобилсозлик саноатининг пойдеворини шу ерда барпо этишга қарор қилинди. Қўшма корхона қурилиши билан боғлиқ ташкилий ва амалий жараёнларга бир қатор лойиҳалаш институтларининг муҳандислари, ўнлаб вазирлик ва идораларнинг бир неча минг кишилик қурувчилар гуруҳи жалб этилди. Минглаб тонна металл ва бетон конструкциялар монтаж қилиниб, ривожланган мамлакатлардан энг сўнгги русумдаги технологиялар келтирилиб ўрнатилди. Олий тоифали муҳандис-механиклар ва ишчилар танлов асосида малака ошириш учун «ДЭУ» корпорациясининг Корея Республикасидаги корхоналарига юборилди. Улар 8 ойга мўлжалланган дастурни 3-4 ойдаёқ ўзлаштиришга эришдилар.

Ниҳоят, 1996 йилнинг март ойида қўшма корхонада «Дамас» русумли енгил автомобилни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. «Дамас» сўзи испанча «оилавий» маъносини англатади. Ҳақиқатан ҳам, бу автомобиль сотувга чиқарилиши биланоқ, ёшу қарини ўзига ром этиб, оилавий машина эканлигини исботлади.

1996 йил 19 июль куни эса Ўзбекистон автомобилсозлик бўйича дунёдаги 28 давлатдан бирига айланди. Шу куни қўшма корхона тўла ишга туширилди. Конвейердан «Нексия» ва «Тико» автомобиллари чиқа бошлади.

Қўшма корхонанинг тантанали очилиш маросимида Юртбошимиз иштирок этиб, «Кимлардир ушбу корхонани пойтахтда ёки бошқа йирикроқ шаҳарда бунёд этиш масаласида фикр билдиришди. Биз эса Асакани танладик. Буни билган одам юракдан ҳис этади. Билмаганлар эса эртами-кеч тушунишади.» деб алоҳида таъкидлади. Бу сўзлар қанчалик ҳақиқат эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Қўшма корхона шарофати билан Асака шаҳри ҳам бир неча ўн баравар чирой очди. Эҳтимол, кўргандирсиз, автомобиль заводи яқинида бронзадан қуйилган чавандоз ҳайкали қад ростлаб турибди. Тарих билимдони Собиржон Раҳмоновнинг айтишига қараганда, «Асака» сўзи аслида «чавандоз» ёки «отлиқ» маъносини билдиради. Бу таърифда жон бор. Бугун Асакада тайёрланаётган «темир тулпор»лар Ўзбекистон сарҳадидан ташқарида ҳам елиб юрибди. Биргина Россиянинг ўзида қўшма корхонанинг ўндан ортиқ дилерлик идоралари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатда бўлиб ўтган бир қатор кўрик-танловларда бизнинг машиналаримиз кўплаб автоҳаваскорларнинг юксак баҳоларига сазовор бўлди. Жумладан, Москва шаҳри мэри Юрий Лужков «Матиз»ни 2003 йилнинг энг яхши автомобили, деб баҳолаб, юртдошларини шу бежирим автомобилни харид қилишга чорлади.



Ваҳоланки, Россия автомобиль саноатида модернизация ишлари қизғин боряпти. Ғарб давлатларининг машиналари кириб келмоқда. Шундай шароитда ҳам Ўзбекистон «Нексия»си савдоси энг юқори даражада турибди. Наинки Россияда, балки Украина, Молдова, Озарбойжон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва ҳатто Италияда ҳам Асака автомобилларига талаб юқорики, бу харидорларнинг уларга қизиқишидан далолат беради.

Хабарингиз бор, корхона ривожланган сайин Маҳаллийлаштириш дастури асосида унга бутловчи қисмлар етказиб берувчи заводлар ҳам бирин-кетин ишга туша бошлади. Ҳозирда Андижон вилоятининг ўзида шундай корхоналардан 6 таси ишлаб турибди. Бутловчи маҳсулотлар тайёрлаётган корхоналар Наманган, Фарғона, Тошкент ва Жиззахда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларда 6 минг киши меҳнат қилаётир.

Айни вақтда тадбиркорликни автомобилларга техник хизмат кўрсатиш билан бошлаётган минг-минглаб ватандошларимиз борлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Кимдир автомобиль мойларини алмаштириш йўлида ишлаётган бўлса, бошқа бир юртдошимиз баллонлар таъмири билан шуғулланяпти. Опа-сингилларимиз тикаётган ғилофларнинг бозори чаққон эканлигини ҳам машина эгалари беш қўлдек билишади.

«ЎЗДЭУавто» туфайли жамоат транспорти масаласи шу қадар тез ечилдики, буни барча бирдек сезиб турибди. Айтайлик, халқ орасида «Андижон метроси» деган атама бор. Бунинг мазмуни шуки, шаҳарнинг хоҳлаган кўчасида «Дамас»ларни нари борса 1-2 минут кутишингиз мумкин. Ёш йигитлар бошқараётган «Дамас» ёнингизга келиб тўхтайди. Ҳайдовчи самимият билан сизни «Марҳамат» дея машинага таклиф этади. Қарабсизки, бир зумда сиз кўзлаган манзилингизда бўласиз.

Эндиликда «Андижон метроси» ҳар бир қишлоқда бор, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Қишлоқларнинг ички маҳаллаларидан туман марказига етиб олиш учун бир ҳўплам чой ичиш вақти кифоя. Такси вазифасини ўтаётган «Тико» ва «Матиз»лар сони ҳам «Дамас»лардан кўпки, оз эмас. Фарғона водийсини пойтахт билан боғловчи «Камчиқ» довонидаги магистраль йўлдан кунига 20 мингдан зиёд автомобиль ўтаётган бўлса, унинг 90 фоизи йўловчилар манзилини яқин қилмоқда.

Сир эмас, баъзи бир сабабларга кўра, «ДЭУ» корпорацияси иқтисодий инқирозга юз тутди. Шундан сўнг бу корпорацияни Америка автогиганти — «General Motors» сотиб олди. «ДЭУ» корпорациясининг чет элларда амалга оширган лойиҳаларидан фақатгина «ЎзДЭУавто» АЖ қолдирилди. Асака автомобиль заводи, умуман, ўзбек автомобилсозлигининг кенг иқтисодий имкониятлари, «ЎзДЭУавто» моделларининг яхши йўлга қўйилганлиги, автомобилларимизнинг асосий бозори – Россияда дилерлик тармоқлари пухта ташкил этилганлиги, МДҲ давлатларида ўзбек моделларининг машҳур бўлиб бориши бунга асос бўлди. 2002 йил ноябрь ойидан бошлаб эса, «ЎзДЭУавто» АЖ "GM DAT" билан ҳам ҳамкорлик қила бошлади. У Ўзбекистон автомобилсозлиги учун бутловчи буюмларнинг асосий қисмини етказиб берувчиси бўлиб қолди.

Энди мана бу рақамларга эътибор қаратайлик: «ЎЗДЭУавто» АЖда 2002 йилда 34 мингта автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилда 170 мингтадан ошиб кетди. Яқин вақт оралиғида унинг йиллик қуввати 200 мингта автомобилни ташкил этади. Автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми ортиши баробарида уларнинг моделлари янгиланиб бораётганлиги ҳам Асака заводининг обрў-эътиборини оширмоқда. Айниқса, «Ласетти» автомобили ишлаб чиқарилишининг ўзлаштирилиши, «Дамас», «Матиз», «Нексия» машиналарининг модернизация қилиниши ички ва ташқи бозорда харидорлар эътиборини қозонди.

2005 йил, айниқса, миллий автосаноатимиз учун жуда муҳим давр бўлди. Ўша йилнинг 14 октябридан «ЎзДЭУавто» АЖ ташқи мажбуриятларидан холи бўлган 100 фоизли ўзбек компанияси бўлиб ҳисоблана бошланди. «General Motors Europe» компанияси президенти Карл Питер Фостер бошчилигидаги бир гуруҳ меҳмонлар мазкур корхонада бўлиб, унинг техник имкониятлари, ишлаб чиқариш қуввати, мутахассислар ва ишчиларнинг малакасидан қониқиш ҳосил қилишди. «ЎзДЭУавто» ёпиқ акциядорлик жамияти замирида «GM Ўзбекистон» қўшма корхонаси ташкил этилишининг тезлашуви ҳам ана шу омиллар билан боғлиқ. «Шевроле» русумидаги «Tacuma», «Captiva», «Epica» автомобилларини ишлаб чиқариш қисқа муддатларда ўзлаштирилишининг сабабларини шарҳлашга эса ҳожат йўқ, бизнингча. 2007 йилнинг сўнги даврида ана шу машиналардан 2000 та ишлаб чиқарилди, ахир!

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси иш бошлаганида, Президентимиз «Мен ҳар бир оилада ўзимизда тайёрланган машиналар бўлишини орзу қиламан» деган эди. Бугун ана шу эзгу ниятнинг ижобатини кўриб турибмиз.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**Икром ЎТБОСАРОВ.**

# ТАДБИРКОРНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ

— Фаолиятимизни 1998 йилда бошлаганмиз, — дейди пойтахтимиздаги "Ҳамидов" хусусий корхонаси раҳбари Абдулаҳад Ҳамидов. — Очиғини айтганда, ўша пайтларда кўп вақтимиз турли-туман текширувчилар билан савол-жавоб қилишу сон-саноқсиз идораларга ҳисобот топшириш билан ўтарди. Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бундай ҳолатларга чек қўйди. Биз, тадбиркорларга бу қадар катта эътибор қаратилаётгани, ҳақ-ҳуқуқларимиз қонун йўли билан ҳимоя қилинаётганини амалда ҳис этиб, шунга яраша меҳнат қилишга киришдик. Ҳозирда корхонамиздаги ўндан зиёд ишчи томонидан Чехия ва Россияда ишлаб чиқарилган жиҳозлар ёрдамида бир кеча-кундузда ўртача 15-20 минг дц.метр тери ошланмоқда. "Пойабзалчи", "Нафис" сингари корхоналар, шунингдек, бир қатор хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларимизнинг доимий мижози ҳисобланади.

**Изланиш**

Мазкур кичик корхонада ошланаётган тери хом ашёси пойтахтимизда ўтказилган бир қатор кўргазмаларда мутахассислар ва иштирокчилар эътиборини қозонди. Ҳатто улар Туркия, Покистон, Ҳиндистон давлатларидан келган тадбиркорларда ҳам қизиқиш уйғотди.

Корхонада бўлганимизда, токчаларга қатор қилиб териб қўйилган пойабзал намуналарига кўзимиз тушди. Маълум бўлишича, эркаклар туфлиси, аскарлар ва ишчилар учун махсус оёқ кийимлари кичик корхона цехларида ошланган терилардан тикилган экан. Уларнинг кўриниши ва сифати хориж маҳсулотларидан қолишмайди. Тадбиркордан устувор режалари хусусида сўрадик. У камтарлик билан «Гапиришга эрта, лекин корхонамиз тамғаси билан сифатли пойабзаллар ишлаб чиқариш ниятидамиз», — деди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



СУРАТДА: кўнчилар Самин Мирзааҳмедов ва Рустам Мирзааҳмедов иш устида.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жумладан, ночизиқли тўлқинлар физикаси соҳасида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар натижасида бир қанча янги усуллар ихтиро этилди. Ахборот узатиш тизимларида бошқаришни такомиллаштириш, шовқинни камайтириш, тезлик ва ҳажмни ошириш, алоқа линияларининг ўтказиш қобилиятини яхшилашга йўналтирилган ихтиролар, айниқса, эътиборга сазовордир. Бундай илмий янгиликлар келгусида замонавий ҳисоблаш техникаси, тиббиёт, телекоммуникация тармоқлари, саноат, электроника ва юқори технология соҳаларини янада тараққий эттириш ва инсон фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

# ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Олимларимизнинг ушбу йўналишдаги илмий ютуқлари хориждаги тараққий этган илм-фан марказлари мутахассислари томонидан эътироф этилаётир. Пойтахтимизда ўтган мазкур халқаро анжуманга ўндан зиёд давлатдан етакчи мутахассислар ташриф буюргани ҳам бунинг далилидир.

— Аввало, шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистонда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди Германиянинг Росток университети профессори Фёдор Митчке. — Ўзбекистон Фанлар академияси "Физика-қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институти олимлари ночизиқли тўлқинлар физикаси соҳасида салмоқли илмий изланишлар олиб бораётганидан ҳам яхши хабардорман. Биз икки кунлик анжуман мобайнида мутахассисларингизнинг ушбу йўналишдаги ютуқлари билан янада яқинроқ танишиш ва ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдик. Бундан ташқари, ушбу соҳада дунёнинг бошқа мамлакатларида амалга оширилаётган илмий лойиҳалар ва уларнинг натижалари хусусида ҳам маърузалар тингладик. Мен келгусида ушбу йўналишда ўзбек олимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва кўплаб илмий лойиҳалар бўйича биргаликда иш олиб бориш ниятидаман.

**ЎзА мухбири**
**Баҳор ХИДИРОВА**
**ёзиб олди.**

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР БОЗОРИ КЕНГАЙМОҚДА

**Ўзбекистон телекоммуникациялар бозорида янги компания — "Nokia Siemens Networks" пайдо бўлди. У пойтахтимизда "Nokia Siemens Networks Tashkent" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги ўз ваколатхонасини очди.**

Компаниянинг халқаро бизнес-марказда бўлиб ўтган тақдимот маросимида унинг телекоммуникациялар соҳасидаги фаолияти, мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш истиқболлари намойиш этилди.

"Nokia Siemens Networks" компаниясининг минтақамиз бўйича вакили Шашанк Кумар тахминларига кўра, 2015 йилда беш миллиард киши истаган пайтида ва жойида хоҳлаган хизматдан, ўзига маъқул қурилмадан фойдаланиши мумкинлигини айтди. Бу маълумотлар узатиш технологиясига талаб кескин ошгани ва яқин келажакда ушбу технологиялар жадал ривожланишидан далолат беради.

"Nokia Siemens Networks" алоқа операторлари учун телекоммуникация ускуналари ва хизматларини етказиб берувчи дунёда етакчи компания ҳисобланади. Бош қароргоҳи Эспоо шаҳрида (Финляндия) жойлашган ушбу компания 150 дан ортиқ мамлакатда фаолият кўрсатади, мобиль ва бошқа алоқа тармоқлари соҳасида кенг кўламли инфратузилма маҳсулотлари ҳамда ечимларини тақдим этади, тегишли хизматларга нисбатан ортиб бораётган талабни қондиради. Унинг таркибида 20 минг нафарга яқин сервис хизмати кўрсатувчи мутахассис меҳнат қилмоқда.

"Nokia Siemens Networks Tashkent" масъулияти чекланган жамияти бош директори Бахтиёр Мўминов компания Ўзбекистон бозорида мустаҳкам ўринга эгалиги, хизматлар ва ечимлар етказиб бериш борасида муваффақият қозонишга интилишини таъкидлади. "Nokia Siemens Networks" компанияси Ўзбекистондаги кўплаб мобиль ва бошқа алоқа операторлари билан ишламоқда, алоқа операторлари учун кенг турдаги маҳсулотлар ҳамда сервис хизматлари портфелини тақдим этишга тайёр.

Компаниянинг Ўзбекистон бозорида амалга оширган илк иши ҳам бундан далолат беради. Масалан, Ўзбекистондаги етакчи мобиль алоқа оператори бўлган "Coscom LLC JV" билан икки йил муддатга қиймати 152 миллион АҚШ долларига тенг шартнома имзолади. Бундан ташқари, "Билайн" савдо тамғаси остида фаолият кўрсатаётган "Unitel" ва "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу компаниялар учун "Nokia Siemens Networks" энг янги ускуналарни етказиб бермоқда, кенг турдаги хизматларни кўрсатмоқда ва энг сўнгги инновация ишланмаларини жорий этмоқда.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Сўнгги йилларда республикамизда суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, унинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўтган йил 6 ноябрда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси қурултойида таъкидлаганларидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг зарур таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича бошлаган ишларимизнинг самарасини кучайтириш, энг асосийси, суд тизими мустақиллигини таъминлаш муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

# СУД — АДОЛАТ УСТУНИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий судида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган "Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва судьялар мустақиллиги" мавзусидаги давра суҳбати ҳам юртимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, соҳа механизмининг халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган стандартлари асосида ишлаши масалаларини муҳокама қилишга бағишланди.

Юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида жавобгарлиги ҳамда ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланиши тўғрисидаги конституциявий принципларни ҳаётга татбиқ қилишга қаратилган десак, хато бўлмайди. Судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилганлиги ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юритишда сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Ривожланган мамлакатларда ўз самарасини берган ҳакамлик судлари, суд маслаҳатчилари, ярашув институтларининг жорий этилиши, кассация инстанциясининг ислоҳоти натижасида суд қарорларининг янада одил ва холис бўлишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш ва бошқа процессуал чораларни қўллашни судлар ваколатига ўтказиш, ўлим жазосини бекор қилишга оид Президентимиз фармонлари ва улар асосида парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давомидир.

**Ҳуқуқий ислоҳот**

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида тизимни янада демократлаштириш, судларда ишларнинг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритиб борилаётганлиги асосида судларнинг ихтисослашуви амалга оширилди. Шунингдек, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил қилинганлиги мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида изчил сиёсат олиб борилаётганлигидан далолат беради.

Ишонч билан айтиш мумкинки, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш мамлакатимиз ҳаётида долзарб масалалардан бирига айланди. Президентимизнинг дастурий маърузаларида суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳотлари уни янада либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Тадбирда таъкидланганидек, тизимни ислоҳ қилиш жараёнида судьяларнинг том маънодаги холислик ва мустақиллигини таъминлаш ниҳоятда долзарб масаладир. Бугунги кунда амалиётда айрим туман, шаҳар, вилоят судлари (ихтисослигидан қатъи назар) раисларининг қўл остидаги судьяларнинг ишларни кўриб чиқиб, қарор чиқаришига маъмурий ресурслар орқали таъсир кўрсатишга уриниши ҳоллари ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолат фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончига ўз таъсирини кўрсатиши, демакки, фақат ва фақат инсон учун амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарасига путур етказиши мумкин. Судья суд раиси олдида тенг ҳуқуққа эгадир, кўриб чиқиш унга топширилган ишга нисбатан ажрим чиқаришда у мутлақо мустақил ва адолатли бўлиши шарт. Шу боис, республикада судьяларни лавозимларига сайлаш ва тайинлаш жараёнига катта эътибор қаратилаётир.

Бир сўз билан айтганда, суд — адолат устуни ва унинг ролини ошириш эса ҳуқуқий давлат шаклланишининг асосидир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, жамиятда суд ҳокимиятининг мавқеи ва аҳамиятини ошириш бевосита мамлакатда инсон ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлаш жараёни билан бевосита боғлиқдир. Юқорида биз халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлиги принципи Бош қомусимизда акс этганлигига бежизга эътибор қаратмадик. Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг асосий белгиларидан бири — доимий ривожланишда бўлган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишдан иборат. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор конвенцияларини ратификация қилган.

Ушбу универсал ҳужжатлардан бири "Ирқий камситишнинг барча турларини тугатиш тўғрисида"ги конвенциясидир. Мазкур давра суҳбати БМТнинг Ирқий камситишларни тугатиш бўйича қўмитасининг тавсияларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳаракат режаси бандлари талабларидан келиб чиқиб ташкил этилди.

Мазкур Конвенция БМТ томонидан 1965 йил 25 декабрда қабул қилинган ва у Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 28 августдан бошлаб кучга кирди. Ушбу ҳужжат уч қисм, 25 моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида "ирқий камситиш" иборасига қуйидагича таъриф берилган: "ирқ, тана ранги, уруғчилик, миллий ёки этник келиб чиқиш белгиларига асосланган, сиёсий, иқтисодий, социал, маданий ёки ижтимоий ҳаётнинг исталган бошқа соҳаларида тенг асосларда инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларини тан олиш, фойдаланиш ёки амалга оширишни йўқотиш ёки камситишни мақсад ёки натижа биладиган ҳар қандай тафовут, истисно, чеклаш ёки устунликдир".

Конвенциянинг "суд олдида ва одил судловни амалга оширадиган бошқа органлар олдида тенглик ҳуқуқи" (5-модда, «а» пункт) ҳамда "иштирокчи давлатлар ирқий камситишнинг ҳар қандай ҳаракатлари содир этилган ҳолда ваколатли миллий судлар ва бошқа давлат институтлари орқали самарали ҳимояни ҳамда ҳимоя воситаларини таъминлаши" (6-модда) принциплари миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган ва суд-ҳуқуқ амалиётимизда бу принципларга оғишмай амал қилиб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминловчи суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга умумдавлат аҳамиятига молик, ўзбек миллий моделининг тақдирини ҳал қилувчи асосий масалалардан бири сифатида қаралаётгани Ўзбекистон ўзининг ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этишдек бош мақсадига изчиллик билан эришаётганидан далолатдир.

***Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,***
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.***

АНЖУМАН

# МУЛКДОРЛАР УЧУН МУҲИМ ҲУЖЖАТ

*Жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган янги Солиқ кодексини мамлакатимиз мулкдорлари, ишбилармон ва тадбиркорлари зўр мамнуният билан кутиб олишди. Сабаби, солиқ тизимини такомиллаштириш, солиққа тортишни янада соддалаштириш мақсадида ишлаб чиқилган бу ҳужжатда уларга бир қатор енгиллик ва имтиёзлар берилган. Бошқача айтганда, ўзида соҳага доир барча тартиб ва қоидаларни мужассамлаштирган ана шу яхлит ҳужжатдан амалиётда тўғридан-тўғри фойдаланиш мумкин. Бунинг учун эса, аввало, янги кодекснинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, янгиликлардан бохабар бўлмоқ керак.*

*Кеча Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан "Темирйўлчилар маданият саройи"да худди шу мақсадда семинар уюштирилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси вакиллари, туман Давлат солиқ инспекциялари инспекторлари, шунингдек, тадбиркорлар иштирок этди.*

*Анжуманда сўзга чиққанлар янги Солиқ кодексининг тузилиши, мазмуни, унда белгилаб берилган тартиб ва қоидалар ҳақида батафсил тўхталиб, уларни амалиётда қўллаш бўйича тушунтириш бердилар.*

*Таъкидландики, солиқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар замирида мулкдорлар манфаати мужассам. Буни янги кодексга биноан, солиқ тўловчининг ҳақлиги презумцияси принципи жорий этилаётгани, солиқ текширувлари белгиланган муддатда фақат давлат солиқ хизмати идоралари томонидан амалга оширилиши каби омиллар мисолида ҳам кўриш мумкин.*

*Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.*

***Саид РАҲМОНОВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***



***Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки иқтисодиётимизни ислоҳ қилишга қаратилган, миллий валютамиз — «Сўм»нинг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган ҳамда пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга доир Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаб, 2007 йил давомида бир қатор ижобий ютуқларга эришди.***

▼ Молия муассасаларида

## Халқ банки:

# МИЖОЗЛАР МАНФААТИ УСТУВОР

*Хусусан, халқ банкига ишонч билдириб, ҳисоб рақами очган мижозлар сони биргина 2007 йилнинг ўзида 6,7 мингдан ошди. Банкнинг капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётни реал секторини, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлашга ҳамда мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида банк капитали 7,1 млрд. сўмга, ресурс базаси 138,9 млрд. сўмга, активлари 120,0 млрд. сўмга, шунингдек, кредит портфели 61,5 млрд сўмга ортди. Банкнинг инвестицион йўналишлардаги кредитларга йўналтирган сармояларининг ҳажми эса 66 млрд. сўмдан ошди.*

### Депозитлар баракаси

Жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банк оборотига жалб қилиб, банк ресурс базасини ошириш орқали кредит имкониятларини кенгайтириш банк раҳбариятининг олдига қўйилган асосий вазифалардан ҳисобланади. Банк томонидан мижозлар талаб ва истаклари инобатга олиниб, республикамиз депозит бозорини мунтазам равишда таҳлил қилган ҳолда, янги омонат турларини амалиётга татбиқ этилиши, энг асосийси, омонатчиларнинг биринчи талаби бўйича депозитлардан маблағларнинг берилиши таъминланиши туфайли жисмоний шахслар депозитларини 103,3 млрд. сўмга кўпайтиришга эришилди. Банк филиалларидаги жисмоний шахсларнинг депозитлари қолдиғининг 98,7 фоизи миллий валютада қабул қилинган маблағларга тўғри келди. Жалб қилинган маблағлар таркибидаги муддатли ва жамғарилувчи депозитларнинг улуши эса 92 фоиздан ошди.

Амалиётга жорий этилаётган депозит турларида омонатчилар учун фоиз даромадларини ҳар ойда ёки омонат очилган куннинг ўзида берилиши, шунингдек, омонатлар бўйича ҳисобланган фоиз даромадларини хизмат ҳақи олмасдан фойдаланилган коммунал тўловларга ўтказиб бериш каби имконият ва қулайликларнинг йўлга қўйилиши ҳисобига 2007 йилда мижозларга таклиф этилган 20 га яқин омонат турларига 80 млрд. сўм аҳоли бўш пул маблағлари жалб қилинди.



### Кредитлар — иқтисодиёт ривожига

Ўтган йили банк филиаллари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдори 230,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу миқдорнинг 66 фоизга яқини инвестицион лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Олиб борилган мақсадли тадбирлар натижасида банк кредит портфели қарийб 2 баробар кўпайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга 21,0 млрд. сўм кредит ажратилди. Бу маблағнинг 5,0 млрд. сўми микрокредитлар улушига тўғри келди. Тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилиб, уларга 5,8 млрд. сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Банк филиаллари томонидан эса фермер хўжаликларига хорижда ишлаб чиқарилган 412 та қишлоқ хўжалик техникасини харид қилишга кредитлар ажратилган бўлса, 16000 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2007 йил пахта ва ғалла ҳосилини етиштиришга 80,0 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши таъминланди.

Шахсий ва ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш учун 13 мингга яқин фуқароларга 11,6 млрд. сўм микрокредитлар ажратилди. Ипотека ва истеъмол кредитлари миқдори 44,0 млрд. сўмни ташкил этди. Ўз навбатида, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш учун 5381 оилага 12,7 млрд. сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди.

Банк филиаллари томонидан 2007 йилда ажратилган кредитлар эвазига 28403 та янги иш ўрни ташкил этилиб, ҳудудларда шунча йигит-қизни иш билан таъминлаш имкони яратилди.

### Масъулият ва эътибор

Пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасида олиб борилган тадбирлар натижалари ҳам қувончли. Жумладан, банк кассаларига аввалги йилдагига нисбатан 316,4 млрд. сўм кўп нақд пул маблағлари жалб этилди. Маҳаллалар ва коммунал ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида жойларга чиқарилган банкнинг «Сайёр» кассалари орқали 1,4 баробар кўп коммунал тўловлар қабул қилинди. Банк кассаларига жалб қилинган нақд пул маблағларининг қарийб 50 фоизи ёки 500 млрд. сўми биринчи даражали тўловларни, жумладан, 363 млрд. сўм нафақа, 86 млрд, сўм пенсия ҳамда 51 млрд. сўм бюджет ташкилотлари иш ҳақларини ўз вақтида берилишига йўналтирилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш борасида ҳам муайян тадбирлар амалга оширилди. Масалан, Халқ банкининг 49,1 мингта янги пластик карточкаси эмиссия қилиниб, уларнинг 60 фоизга яқини иш ҳақи лойиҳаларига йўналтирилди. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни рўёбга чиқариш учун 1200 дан ортиқ, шу жумладан, 920 та савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш корхонасига терминаллар ўрнатилиб, мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифати янада оширилди.

Банкнинг пластик карточкалари орқали "Овердрафт" истеъмол кредитлари амалиётлари кенгайтирилиши натижасида эса, мингдан ортиқ банк мижозларининг республикамизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Халқаро алоқалар доирасидаги ишлар ривожлантирилиб, Германия Жамғарма кассалари фонди билан ҳамкорликда 2007 йил давомида банкнинг 20 га яқин мутахассислари Германиянинг йирик молия институтларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш йўналишлари бўйича ўз малакаларини ошириб қайтдилар. Ушбу йўналишдаги алоқани узлуксиз давом эттириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик муддати, республика раҳбарияти билан келишилган ҳолда, 2010 йилгача узайтирилди.

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, банкнинг туман (шаҳар) филиалларида ишлаётган 285 нафар иқтидорли мутахассиси Минтақавий банк Ўқув марказида, 12 нафари Банк-молия академиясида ҳамда 2000 нафардан зиёди Халқ банки Ўқув марказида малакаларини оширди. Ҳозирда улар жойларда мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келишмоқда.**

Жорий йил — Ёшлар йилида ҳам банк жамоасининг ҳукумат қарорлари талабларини бажариш, банкнинг барқарор фаолиятини таъминлаш, мижозларнинг банкка бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш йўлида бир қатор мақсадли тадбирларни изчил амалга ошираверади.

**ДТ Халқ банки матбуот хизмати.** [t]

---

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## БААда хориж ҳарбий базаси

Франция Бирлашган Араб Амирликлари ҳудудига ўзининг ҳарбий базасини қуради. «Reuters» хабарида айтилишича, Франция президенти Николя Саркозининг ушбу мамлакатга қилган расмий ташрифи чоғида шундай шартнома имзоланган.

Саркозининг таъкидлашича, ҳарбий база БААнинг илтимосига биноан ташкил этилмоқда. Бу билан Франция минтақада барқарорликни сақлашда фаол иштирок этади.

Ҳарбий база Арабистон ярим оролини Эрондан ажратиб турадиган бўғоз яқинида қурилади.

## Зарарли қўғирчоқлар




Хитой ҳукумати янги йил бошида қўғирчоқ ишлаб чиқарувчи 600 корхонанинг лицензиясини бекор қилди.

«Xinhua» хабарида айтилишича, хорижий давлатлардан тушаётган норозиликларга асосан ўтган йилнинг август ойидан буён 3000 дан кўпроқ қўғирчоқ ишлаб чиқарувчи фирманинг маҳсулотлари текширувдан ўтказилди. Натижада, биргина Гуандун музофотидаги 764 фирма ўз маҳсулотини экспорт қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

## «Nokia» заводини ёпмоқчи

Уяли телефон ишлаб чиқарувчи энг йирик компаниялардан бири «Nokia» Германиянинг Боҳум шаҳридаги заводини ёпишга қарор қилди. Бунга сабаб, завод ишчиларга жуда катта маош тўланаётгани учун компанияга кам фойда келтираяпти. Боҳумдаги заводда 2300 нафар ишчи меҳнат қилади.

2007 йилнинг учинчи чорагида жаҳон бозорига чиқарилган уяли телефонларнинг 40 фоизи «Nokia» ҳиссасига тўғри келди.

## «Меркурий»га парвоз



«Мессенжер» космик аппарати сешанба куни «Меркурий» сайёрасига 200 километргача яқинлашиб борди.

«Меркурий» Қуёш тизимидаги Қуёшга яқин жойлашган энг кичик сайёра ҳисобланади. Шу пайтга қадар ҳеч бир аппарат унга бунчалик яқин бормаган. «Мессенжер» 2004 йилнинг 3 август куни NASA томонидан учирилган эди.

## Болалар террор қурбони

Шри-Ланканинг жанубиғарбида террорчилар томонидан ўқувчиларни олиб кетаётган автобус портлатиб юборилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу хунрезлик оқибатида 15 нафардан 20 нафаргача бола ҳалок бўлган, 20 нафар ўқувчи эса тан жароҳати олган.

Мамлакат мудофаа вазирлиги вакилининг таъкидлашича, қўпорувчилик «Тамил йўлбарслари» айирмачи гуруҳи томонидан амалга оширилган. Кейинги 28 йилда улар амалга оширган террорчилик актлари туфайли 70 минг нафар одам қурбон бўлди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

Маҳсулот сертификатланган




## «МЕДИВ» — тиббиёт мўъжизаси

**«МЕДИВ»ни ихтиро қилганларга катта раҳмат. Ўғлимнинг оёғи қаттиқ шикастланган эди. Бир ҳафта давомида мазкур асбобдан фойдаланганидан сўнг спорт машғулотлари билан шуғуллана бошлади. Ўзим эса қовуғим яллиғланишидан (цистит касаллиги) анча йил азоб тортдим. «МЕДИВ» менга ҳам ёрдам берди, энди бу дардни бутунлай эсдан чиқардим».
Феруза Бобожонова,
Тошкент шаҳри.**

Россия Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ном берилган «МЕДИВ»ни ихтиро қилган биофизик Виктор Зориннинг мазкур асбобига 25 йил бўлди. «МЕДИВ» асбоби Россиянинг 19 та клиникасида синовдан ўтказилиб, Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиясини олди ва тиббиёт амалиётида қўллашга тавсия этилди.

**— Бу қандай мўъжизавий асбоб экан ?,** — дея кўплар савол беради.

«МЕДИВ» — «энергия алмашинувини меъёрга келтирувчи» асбоб. Кўп йиллик тажрибалар асосида танлаб олинган биологик фаол табиий моддалар ҳужайралар ва организм фаолиятининг тикланишига хизмат қилади. Асбобни яратишда шифокорларнинг қатъий қоидалари — «зиён келтирмаслик»ка риоя қилинган.

«МЕДИВ» — анъанавий тиббиётга зид эмас, у дардни даволашда ажойиб қўшимча восита. Мазкур асбобни тиббиётнинг келажаги, деб бежиз айтишмайди.

**— Асбобдан қандай фойдаланилади?**

Диаметри 45 мм. ва оғирлиги 12 грамм бўлган дискни тананинг оғриётган жойига маҳкамлаб қўйиб, юмушларингиз билан машғул бўлаверасиз, асбоб эса ўз ишини бажараверади. Ихчам ва кўзга унчалик ташланмайдиган «МЕДИВ»дан ҳар қандай шароитда фойдаланиш мумкин, чунки электр манбаини талаб этмайди. Шу билан бирга, физиотерапиядан фарқли ўлароқ, у ҳеч қандай зарар етказмайди.

**Фарғоналик Умида Шоюнусова мулоҳазаси: «Билсангиз эди, неча йиллар давомида нафас қисишдан дард чекканимни? Аллергия марказларидан тортиб, бормаган шифохоналар қолмади. Тортган азобларимга чек қўйилди. «МЕДИВ» менга ҳаёт қувончини қайтариб берди, енгил нафас олаяпман, йўтал нималигини бутунлай унутдим. Сизларга катта раҳмат».**

Ҳақиқатан ҳам, аллергия нафас қисишига сабаб бўлади ва ушбу дардни даволашда «МЕДИВ» асбоби қўл келади. «МЕДИВ»дан таянч-ҳаракат органлари, юрак-томир тизими ва ошқозон-ичак йўллари хасталиклари олдини олиш ва даволашда унумли фойдаланиш мумкин. Сурункали чарчаш синдроми ва иммунитет пасайган ҳолларда унинг муолажаси ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Ижобий мулоҳазалар орасида саратон касаллигини даволашда мазкур асбобдан фойдаланганлик ҳақида маълумотлар бор. «МЕДИВ» иммунитетни оширишда, оғриқ синдромини пасайтиришда ҳамда нур ва кимё терапияси ўтказилгандан сўнг организмни тиклашда ҳам яхши натижалар берган.

**«Мен бир неча йил меҳнат таътилига чиқмаганман, кўп меҳнат қилиб, асабларим ишдан чиққан эди, — деб ёзади бухоролик Фарид Гатауллин. — Тошкентда бўлганимда дўстим «МЕДИВ»ни сотиб олишимни маслаҳат берди. Менинг ҳаётим тубдан ўзгарди. Тунда мириқиб ухлайдиган бўлдим, ўзимни ўн ёшга яшаргандай ҳис қилаяпман. Катта раҳмат».**

Асбоб ихтирочилари мазкур хатни қуйидагича изоҳлайдилар: сурункали чарчаш, йўл-йўлакай шошиб овқатланиш оқибатида ошқозон-ичак йўли хасталиги, остеохондроз, ўтириб меҳнат қилиш натижасида келиб чиқадиган таносил аъзолари касаллиги, қаттиқ ҳаяжонланиш, руҳий зарба ҳолларида «МЕДИВ» даволаш ишларини унумли бажаради.

Асбобдан фойдаланишда айрим чекловлар борлиги ҳақида ҳам айтиш лозим: ҳомиладор аёллар, 5 ёшгача бўлган болалар, инфаркт миокарда хасталигидан сўнг ва электрокардио-стимулятори бор инсонлар ушбу асбобдан фойдаланишлари тавсия этилмайди.

Бироқ «МЕДИВ» табиий воситалар — фитотерапия, гомеопатия, диетотерапия билан даволашда тўлиқ мос келади.

Соғлом ҳаёт кечиришни бошлаш
**ЖУДА ОСОН,**
уйингизда **«МЕДИВ»**
бўлса, бас.

**ДИҚҚАТ АКЦИЯ!**

**25-26-27**
**январь кунлари**
**соат 10.00 дан 16.00 гача**

**чекланган миқдорда МЕДИВ® асбоби сотуви ташкил этилади.**

**Манзил: Тошкент ш., Асомов к., 36-уй. Мўлжал - «ISTIQLOL» ресторани қаршисида. Кириш - Уста Ширин 1-тор кўчасидан.**

**Пенсионерлар, ногиронлар, фахрийлар ҳамда мазкур купон эгаларига**

**ЧЕГИРМАЛАР!!!**

Янги «МЕДИВ-2» - 49.500 / 45.000
«МЕДИВ Универсал» - 39.500 / 35.000

**Маълумот учун телефонлар:**
**+(99871) 234-67-64, 234-74-91, +(99897) 338-37-88.**

ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ
Руйхатга олиш гувоҳномаси № ТТ05107. Лицензия № 6326.

55Н/2286

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

*Самарқанддаги Сартепа туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида тўққизта мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади. Билим даргоҳида махсус фанлар ва умумтаълим фанлари ўқув хоналаридан ташқари, учта лаборатория ва информатика, бешта лингафон хонаси ишлаб турибди.*

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Германия техника маркази, Осиё Тараққиёт банки ҳамда Корея давлати томонидан берилган бой моддий-техника базасига эга бўлган мазкур коллеж кадрлар тайёрлаш борасида «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Самарқанд минтақавий бўлинмаси, Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб», «Самарқанд», «Зарафшон», «Сайёр» каби йирик меҳмонхоналар, кўплаб сайёҳлик корхоналари, жумладан, «Орен-Вояж», «Афсона-тревел» билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ**

**2007 йил 19 февраль куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 18 декабрдаги 10-0510/3659-сонли ажримга асосан тақдим этилган «Коинот & К» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 98-уйда жойлашган «Коинот» ресторани биноси (маъмурий ва хўжалик биноси — 300 кв.м., савдо зали — 512 кв.м.).**

***Бошланғич баҳоси — 331 900 000 сўм.***

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, ҳ/р 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

608/85 ***Лицензия DB001-000010.***

**БИЗ БИЛАН — ИССИҚ ВА ҚУЛАЙ**
**ИСИТИШ ВА СУВ ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ**
ҲАРАКАТ ПЛЮС
маҳсулот сертификатланган ХОРИЖИЙ АВТОМАТИКА БИЛАН
**САНОАТ, МАИШИЙ, ИССИҚХОНАЛАР УЧУН ҲАМДА ЎЗГАРУВЧАН, АВТОНОМ БЛОКЛИ ҚОЗОНХОНАЛАР.**
**15 кВт ДАН 2000 кВт ГАЧА**
ЛОЙИҲАСИ ТЎЛИҚ ҚЎЛЛАНИШ УЧУН ТОПШИРИЛАДИ
**Ўзбекистон, Чирчиқ ш., Кангли кўчаси, 16-«А» уй.**
Тел. 8 (370) 715-6173, 715-59-87, 715-40-62
**E-mail: harakat_2004@mail.ru www.harakat.uz**

**Табаррук Ўзбекистон заминида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари жаҳоннинг кўҳна шаҳарлари курраи заминимизнинг жуда кўплаб тарихий воқеаларига шоҳид бўлган. Ўзбекистоннинг қадимий даврлардан то ҳозирги кунларга қадар бўлган тарихини ўрганиш асносида инсоният цивилизациясининг муайян солномасини тузиш мумкин. Шу боис ҳам дунё тарихининг ҳаваскорлари ва тадқиқотчилар мамлакатимиз ҳудудидаги қадимий шаҳарлар, улар бағридаги меъморчилик ва маданий ёдгорликлар тарихини ўрганишга катта қизиқиш билан қарашади.**

# КЎҲНА САМАРҚАНД МАВЗУСИ ЯПОН ОЙНАИ ЖАҲОНИДА

Яқинда Япониянинг етакчи «TBS» телекомпанияси Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишлаб суратга олинган «Самарқанд — маданиятлар чорраҳасида» номли ҳужжатли фильмни намойиш этди. У ЮНЕСКО шаъфелигида Кунчиқар юртнинг кино ижодкорлари томонидан «Жаҳон» ахборот агентлиги ва мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси кўмагида тайёрланди.

Фильм япон телетомошабинларини инсоният цивилизацияси тараққиётининг бешикларидан бири — кўҳна ва афсонавий Самарқанд шаҳрининг бой тарихи билан атрофлича таништиради. Муаллифлар Самарқанд ўзининг мусаффо ҳавоси, мўл суви ва ҳосилдор воҳаси, инсон ва табиатнинг ҳайратланарли даражадаги уйғунлиги туфайли ҳамиша ажиб бир шукуҳга эга бўлиб келганини қайд этишар экан, Самарқанд ўзбек халқи улуғворлиги, моҳир ва меҳнатсеварлигининг ёрқин ифодасидир, деб таъкидлайдилар.

**▼ Дунё нигоҳи**

Фильм ижодкорлари кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг Шарқ санъати гуллаб-яшнаган ўрта асрларда бунёд этилган, гўзалликда бетакрор меъморий ёдгорликларини атрофлича, завқ-шавқ билан томошабинлар эътиборига ҳавола этишди.

Афросиёб шаҳри VII асрдан то мўғул босқинига қадар Шарқнинг энг машҳур савдо ва маданият ўчоғи бўлгани қайд этилади. Археология қазишмалари чоғида Афросиёбдан топилган қадимги грек тангалари, нақшлар ва деворий суратлар бундан яққол далолат бериб турибди.

Муаллифлар Самарқанднинг бебаҳо меъморий ёдгорликлари — «Регистон» майдони, Бибихоним, Шоҳи Зинда, Хожа Аҳрор мажмуалари, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонасини бирма-бир тасвирлашган.

Япон кино усталари Самарқанд ёдгорликларини тасвирлашга ноанъанавий ёндошгани кишини беихтиёр ўзига жалб этади – мустақиллик йиллари давомида олиб борилган катта кўламдаги қурилишларнинг кўркам қиёфаси турфа рангларнинг ёрқин жилоси, маҳобатли ва мафтункор меъморий осори-атиқалар уйғунлигида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган.

Маълумки, миллий маданиятини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган японияликлар ўз халқининг тарихий илдизларини тинимсиз излашда давом этмоқда. Улар қадимги кулолчилик буюмлари, матолар, қоғоз, табиий бўёқлар тайёрлаш сирларини кўп жиҳатдан қайта тиклашга муваффақ бўлишган. Улар ўз мамлакатининг бугунги ривожланган технологик жараёни асосида миллий илдизлар, анъана ва урф-одатлар ётишини айтишади. Япония телевидениеси каналларидан ҳар ҳафта намойиш этиладиган махсус кўрсатувларда, масалан, 1800 йиллар аввалида — Эдо даврининг ниҳоясида пайдо бўлган *каракури* анъанавий қўл қўғирчоқлари ҳақида соатлаб ҳикоя қилинади.

Японияликлар Ўзбекистоннинг ўз тарихи ва маданий қадриятларини авайлаб-асраб келаётганига гувоҳ бўлишганини таъкидлашар экан, ўзбек халқи табиий бўёқлар тайёрланиши, мўъжизакор наққошлик, гўзалликда тенги йўқ Самарқанднинг бебаҳо дурдоналарини яратиш сирларини сақлаб қолишга эришганига алоҳида урғу беришади.

Япон кино ижодкорлари Самарқанд ҳақида фахр ва ҳайрат билан сўзлашар экан, мавзудан мавзуга ўтишда гўё қимматбаҳо маржонларни бирма-бир ипга тизгандек, шаҳар тароватию чиройини пешма-пеш, янада ёрқинроқ лавҳаларда очиб беришади.

Фильмда Мирзо Улуғбек турли ижтимоий қатламлар вакилларининг яхши таълим олишлари ва илмий тадқиқотлар олиб боришлари учун Самарқандда мадраса бунёд этгани ва унда алломанинг ўзи ҳам илмий маърузалар ўқигани ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади. Истеъдодли олимнинг ноёб расадхона бунёд этгани, осмон жисмлари жойлашувини мукаммал ўргангани ҳолда ўша даврнинг энг мукаммал юлдузлар харитасини тузгани ва у ҳозирга қадар ўз аниқлиги билан фалакиётшунос мутахассислар ақлини лол қолдириб келаётгани алоҳида таъкидланади.

Муаллифлар ҳозирги маҳаллий усталарнинг VIII аср ўрталарида ота-боболари кашф этган машҳур Самарқанд қоғозини тайёрлаш сир-асрорларини тиклаётганларини ҳам атрофлича ёритишган. Шу ўринда улар айнан Самарқанд қоғозини тайёрлаш санъатига европалик мутахассислар томонидан катта қизиқиш билдирилаётганини қайд этишади.

Фильмда ўзига хос ўзбек сўзаналари мавзуси ҳам четлаб ўтилмаган. Маълумки, ўзбек сўзаналарида Ўзбекистон заминининг барча ранглари ўз аксини топгандир. Сўзаналар узра муҳрланган ёрқин ва хилма-хил тасвирлар эса Буюк Ипак йўли даврида қарор топган турли халқлар ўртасидаги ўзаро маданий айирбошлашнинг ўзига хос ифодаси ҳамдир. Шунингдек, фильм ниҳоясида ноз-неъматларга тўкин-сочин бўлган ўзбек бозори тасвири ҳам япон телетомошабинлари эътиборига ҳавола қилинган.

**Шубҳа йўқки, мазкур фильм ҳам Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона алоқаларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳамда Кунчиқар мамлакатнинг юртимизга нисбатан қизиқиши катта эканидан далолатдир.**

***Музаффар ЗОҲИДОВ,*
*«Жаҳон» АА.***

## ЖАМОАДА ЯНГИ МУРАББИЙ

***"Учқудуқ" жамоаси сардори Баҳодир Аҳмедов футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи этиб тайинланди.***

Маълумки, Баҳодир Аҳмедов футболчилик фаолиятини Чирчиқнинг "Солиқчи" жамоаси сафида бошлаган. Бу клубда Ўзбекистон чемпионати бронза медали совриндори бўлган. У 2004 йилда мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири — "Ардус" таркибига жалб қилинди. Мазкур жамоада ҳам ўзининг мазмунли ўйинлари, катта тажрибаси билан ёш футболчиларга ўрнак кўрсатди. Жамоанинг уч карра Ўзбекистон чемпиони, икки карра кубок соҳиби, Осиё чемпионлар лигасининг финалчисига айланишида унинг муносиб ҳиссаси бор.

Баҳодир Аҳмедов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоасига Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш вазифаси юклатилган, дейилади UFF матбуот хизмати хабарида.

●Спорт ● Sport●Спорт ● Sport●Спорт

●Спорт ● Sport●Спорт ● Sport●Спорт

## «ДАКАР — 2009» ЖАНУБИЙ АМЕРИКАДА ЎТАДИМИ?

Дунёдаги энг нуфузли анъанавий автопойга — "Дакар" раллиси 2009 йилда Жанубий Американинг Аргентина ва Чили мамлакатларида ўтказилиши мумкин, деб хабар беради РИА "Новости".



Мусобақаларга Буэнос-Айрес шаҳрида старт берилиб, Чили пойтахти Сантьяго шаҳрида якунланади. Пойга ўтадиган манзилларда тоғли, шунингдек, Африка қитъасига ўхшаш қумли жойлар ҳам мавжуд.

Эслатиб ўтамиз, 2007 йил декабрда пойга ўтадиган Мавритания давлати ҳудудида олти нафар Франция сайёҳи ўлдирилган, кўплаб кишилар жиддий жароҳат олганди. Шундан сўнг ташкилотчилар иштирокчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 5 январида бошланиши керак бўлган "Дакар-2008" мусобақаларини бекор қилишди.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**




NEW!

**Созлаб ол!**

Интернетга тезкор уланиш учун
**WAP, MMS, GPRSни бепул созлаб олишни**
ва ўз телефонингизни автоматик равишда
созлаб олишни истайсизми?
Мобил телефондан **0876**
рақамга оддийгина қўнғироқ қилинг!

Эслатма:
- Созлашлар сертификатланган телефонларда тўғри ишлайди.
- WAP, MMS, GPRS хизматларини *111*0011# USSD-хизмат рақамига қўнғироқ қилиб, шунингдек "Мобил ёрдамчи" хизмати орқали **616001** рақамига 1 рақамли SMS-хабар юбориб ечиш мумкин.
- Ушбу хизматдан фойдаланиш учун телефон WAP, MMS, GPRS хизматларини қўллаши керак.

Батафсил маълумот:
Моб.: 0890, тел.:(+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09
www.mts.uz / wap.mts.uz
Хизматлар лицензияланган
Ўзбекистон Республикасида хизматлар "Уздунробита" компанияси томонидан тақдим этилади

МТС


# ТАНАФФУССИЗ МАШҒУЛОТЛАР

***Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам болалар спортини ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.***

— Бугунги кунда фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишлари учун ўнлаб замонавий спорт мажмуалари бунёд этилмоқда, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори Омонбой Жуманов. — Жумладан, филиалимизнинг 2007 йил манзилли дастури бўйича умумтаълим мактаблари қошида 5 та спорт зали, Хива туманидаги Янгиобод шаҳарчасида янги болалар спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Урганч туманидаги «Ғайбу», Боғот туманидаги «Бешариқ» қишлоқларида, Урганч шаҳридаги футбол мактаб-интернатида, Янгибозор туманидаги 6- ва Урганч туманидаги 32-умумтаълим мактабларида янгидан қурилган спорт мажмуалари ўқувчиларнинг севимли масканига айланиб қолди. Бу ишларга 623 млн. сўмликдан зиёд маблағ ажратилди.

**▼ Болалар спорти**



Бундан ташқари, вилоятнинг чекка Питнак шаҳарчасида спорт мажмуаси ва ёпиқ сув ҳавзасини реконструкция қилиш ишларига 158 млн. сўм сарфланди ва 13 млн. сўмлик спорт анжомлари билан жиҳозланди. Ана шу спорт мажмуалари Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан босқичма-босқич спорт жиҳозлари билан таъминланмоқда. Жамғарма якунланган йилда вилоятдаги спорт билан мунтазам шуғулланаётган кам таъминланган оилалар фарзандларининг 2900 нафарига 125 млн. сўмлик спорт кийимларини ҳам ҳадя этди.

Албатта, қурилаётган ушбу мажмуаларда болаларимиз спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Шунингдек, мактабларда ўтказилаётган спорт машғулотларининг юқори даражада ва қизиқарли ўтишини таъминлаш, ўқувчиларга спорт турларини эркин танлашига имкон беришга асосий эътибор қаратилмоқда. Энг асосийси, машғулотларда узилиш бўлмаяпти. Болалар ўртасида мунтазам ташкиллаштирилиб турилган мусобақалар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жумладан, «Ёзги таътил», «Қишки таътил» оммавий спорт мусобақалари ва бошқа беллашувларда минглаб ўқувчилар ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Тошкент шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўқ отиш ва югуриш бўйича ўтказилган республика мусобақасида хоразмлик ёш спортчилар умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгаллаб қайтишди. Шунингдек, каратэ бўйича Марказий Осиё чемпионатида 50 нафар ёш каратэчилар қатнашиб, 14 та медаль (5 та олтин, 7 та кумуш, 2 та бронза) билан тақдирланишди. Бухорода ўтказилган махсус спорт олимпиадасида иштирок этган 12 нафар ўқувчи спортчимиз эса 1 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, чекка қишлоқларда ҳам мусобақалар мунтазам ўтказиб турилиши анъанага айланган. «Тупроққалъа» мавзеида ўтказилган миллий спорт ва халқ ўйинлари мусобақаси бир умр ёшларнинг ёдида қоладиган спорт тадбири бўлди.

Бу йилги режаларимиз ҳам катта. «Болалар лигаси» вилоят чемпионати, оммавий ва миллий спорт турлари бўйича спорт фестиваллари, мактабгача тарбия муассасалари ўртасида «Соғломжон-Полвонжон» ҳамда мактаб ўқувчилари учун «Қувноқ стартлар» спорт тадбирлари, таътил пайтидаги беллашувлар, байрам саналарига бағишланган спорт ўйинлари ҳамда хотира турнирлари ўтказиш ушбу режадан жой олган. Болалар спортига бундай эътибор келажакда ўз мевасини бериши шубҳасиз.

***«Халқ сўзи» мухбири*
Ойбек РАҲИМОВ
*ёзиб олди.***

## Эъзоз оғушида

***Хоразм вилоятида ногирон болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандларини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда.***

**▼ Яхши хабар**

Чунончи, куни кеча 55 нафар жисмоний имконияти чекланган болажонларнинг ҳар бирига компьютер совға қилинди. Мактабга бориш имкони бўлмаган бу ўқувчилар уйларида ўтириб компьютер ва мультимедиа ўқитиш дастурлари ёрдамида билим оладиган бўлишди.

Яна вилоятдаги 680 нафар жисмоний имконияти чекланган мактаб ёшидаги болалар зарур ўқув мебеллари, дарсликлар ва ўқув анжомлари билан бепул таъминланди. Ушбу савоб ишларга 298 млн. сўм маблағ сарфланди.

**Р. ОЙБЕКОВ.**


МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

**«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.**



МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

амкодор

**(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.**



МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, факат Тошкентдаги расмий вакилимиз — **«O'zbekMAZservis»** қўшма корхонасига мурожаат килсангиз, бас.

МАЗ ВА АМКОДОР ТЕХНИКАЛАРГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

**Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru**


«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси Республика синов ва сертификатлаштириш маркази директори ўринбосари Алишер Ғуломовга онаси

**МУХТАБАР аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси Самарқанд вилояти Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Ўктам Воҳидовга укаси

**Маъмур ВОҲИДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси Агентликнинг Фарғона вилояти ҳудудий бўлими раҳбари Акмал Холбековга турмуш ўртоғи

**Зуҳрахон ПАРПИЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси техник-жиҳозлар бўлимининг мудири Фаррух Мусаевга падари бузруквори

**Фотиҳ МУСАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


"INTEGRAL ASIA"

17" мониторли

P4 компьютерлари

634 000 Тошкентдаги омбордан сўмдан бошлаб



**Пул ўтказиш йўли билан сотилади.**

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к.13/12, тел.: 133-10-46, 120-30-27, 120-30-28, факс: 120-30-26.

Товар сертификатланган.
e-mail: sale@onlineuz.net
www.integr-asia.com

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25
132-10-63
242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 48341 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6 8